

ЖАЛҚ ЙҮЛИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ГАЗЕТА

1995 йил 19 майдан чиқа бошлаган.

2022 йил 28 январь № 2 (679).

xalqyuligazeta@mail.ru

Янгиликлар

ЎЗБЕКИСТОН БҲЙЛАБ...

- Президент Шавкат Мирзиёев электр-энергия таъминоти узилиши бўйича видеоселектор йиғилишида қатор муаммоларга тўхталиб ўтди.
- Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга бағишланган йиғилиш ўтказди.
- Ўзбекистоннинг барча вилоятларида газ заправкалар фаолиятига яна рухсат берилди.
- Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда касб байрами кенг нишонланди.
- Ўзбекистон вакили Улугбек Лапасов БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси ўринбосари лавозимида иш бошлади.
- Шеробод туманида БААнинг “Masdar” компанияси томонидан қуввати 456,6 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси 2023 йил охиригача ишга туширилади.
- Термиз шаҳридаги “Матбуот уйи”да Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ҳамда вилоят прокуратура органлари фаолияти юзасидан брифинг ва матбуот анжумани ўтказилди.
- Ўзбекистон армияси ҳарбий қудрати бўйича жаҳон рейтингда 54-ўринни эгаллади.

(ОАВ материаллари асосида тайёрланди).

ФИКР

Ҳаёт ҳақидаги ўйлардан қоч,
ўйлаб ўйингга етсанг,
ҳаётдан кўнглинг совийди.

Максим ГОРЬКИЙ.

2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили



Тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича, “Инсон қадри учун — 100 та мақсад” белгилаб олинди. Чунончи, мамлакатимизда жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш шунчаки статистика эмас, балки бу мамлакат аҳолисининг маълум бир вақтдаги фотосуратини кўриш имкониятини берадиган йирик миқёсдаги тадбир ҳисобланади.

Рўйхатга олиш маълумотлари аҳолининг сони, таркиби ва тақсимланиши тўғрисида тўлиқ тасаввурни уйғотади. Бундан ташқари, миллий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган демографик ўзга-



АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ

2023 йилда амалга оширилади

ришларнинг тенденцияларини ўрганишга имконият яратди.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири давлат даражасидаги кенг қўлланма, кўп вақт ва катта маблағ талаб этадиган тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун халқаро талабларга асосан 2-3 йил давомида тайёр-гарлик ишларини олиб бориш

талаб этилади.

Республикаимизда мустақиллик йилларида аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор ўтказилаётганлигини инобатга олиб, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023

йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан республикада аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилиши белгиланди.

(Давоми 3-бетда).

ТАРИХДАГИ ЭНГ ЙИРИК БЛЭКАУТЛАР

Факт

✓ 2003 йилнинг августида АҚШнинг бир қанча штатлари ва Канаданинг Онтарио провинциясида яшовчи қарийб 50 миллион аҳоли электр таъминотисиз қолган. Электр таъминоти АҚШда 2-4 кун оралиғида, Канадада эса 8 кундан кейин тўлиқ тикланган. АҚШ томонидан кўрилган иқтисодий зарар миқдори 4-10 млрд. доллар атрофида баҳоланган.

✓ 2003 йил Буюк Британия пойтахти Лондонда 410 минг хонадон ва бизнес объектлари электр таъминотидан узилиб қолган.

✓ 2006 йил Фарбий Европанинг қўллаб мамлакатларида юзага келган узилишлар 10 миллион аҳолининг кундалик турмушига ўз таъсирини ўтказган.



✓ 2011 йил Бразилия электр тармоғидаги узилиш 8 та штатни қамраб олган ва 60 млн. доллар иқтисодий йўқотишга олиб келган.

✓ 2012 йил июлда Ҳиндистоннинг 21 та штатида 650 миллион аҳоли қарийб 8-10 соат тармоқдан узилиб қолган.

✓ 2021 йил январда Покистонда содир бўлган электр энергияси таъминотидаги узилиш 200 млн. аҳолини электрсиз қолдирган.



(Ушбу газета халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

ШИФОКОРЛАРГА
РАҒБАТ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир.

Шу боисдан бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинганда камида 3 йил ишлаб бериш шарти билан 30 млн. сўм миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули берилади.

Ислоҳот



Шунингдек, уй-жойи бўлмаган шифокорларга 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилади ёки БХМнинг 2 баравари (540 минг сўм) миқдорида ҳар ойлик ижара тўловлари компенсация қилинади.

ҚЎШИМЧА ВАКОЛАТЛАР
БЕРИЛДИ

2022 йил 25 январда “Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун Президент томонидан имзоланди.

* Қонунга кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар Ёшлар ишлари агентлигини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилади.

Қонун билан Агентлик ва унинг ҳудудий

Қонунчиликдаги янгиликлар



бўлинмаларининг куйидаги л а р бўйича ҳам ўз ваколатларини амалга ошириши белгиланди:

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

- болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш.

* Қонун билан Агентлик ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи эканлиги кўрсатилди.

Тартиб
ЧИҚИНДИ ТАШЛАМАНГ!

Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чикиндиларни ва қурилиш чикиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чикиндиларни тўкиш:

* фуқароларга БХМнинг 3 бараваригача (810 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан 20 бараваригача (2,7 млн. сўмдан 5,4 млн. сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса:

* фуқароларга БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 350 минг сўмдан 2,7 млн. сўмгача), мансабдор шахсларга эса 20 бараваридан 30 бараваригача (5,4 млн. сўмдан 8,1 млн. сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

5 ОЙДА ҚАНЧА БОЛА МЕҲРИБОНЛИК
УЙЛАРИДАН ЧИҚАРИЛДИ?

Ўзбекистонда сўнги 5 ойда, яъни 2021 йилнинг 9 августидан 2022 йилнинг 20 январигача 1301 нафар бола Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Болалар уйлари ва “SOS — болалар маҳаллалари” ҳисобидан чиқарилган.

Қайд этилишича, шундан:

* 124 нафари — болаларнинг ўз ота-оналари



қарамоғига қайтарилган;

* 139 нафари — болаларнинг ўз

Биласизми?

яқин қариндошлари тарбиясига берилган;

* 139 нафари — васийликка, ҳомийликка ва оила тарбиясига (патронатга) берилган;

* 640 нафари — ташкил этилган 106 та Оилавий болалар уйларига ота-она қарамоғига берилган;

* 188 нафари Олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган;

* 49 нафари вояга етгани учун шахсий уй-жой билан таъминланган;

* 22 нафари “Мурувват уйлари”га кўчирилган.

“ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ”
унда қандай ўқиш мумкин?

Тошкент шаҳрида жойлашган Миллий гвардия таркибидаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ҳар йили 100 нафар ўқувчи саралаб олинади.

* Маълумотларга кўра, “Темурбеклар мактаби”га март ойидан саралаш бошланади.

* Лицейда ўқишни истаган 9-синф битирувчилари март ойларида ўзлари яшайдиган туманлардаги муҳофаа ишлари бўлимларига мурожаат қилишлари лозим. Улар махсус танловдан ўтишлари керак. Танлов жараёнида аввало, ўқувчининг соғлиғи талабга жавоб бериши керак. Иккинчидан, билим даражаси. Билим даражасини синаш учун муҳофаа ишлари томонидан диктант олинади. Ундан кейин, жисмоний тайёргарлиги, бир километрга ҳамда 60 метрга югуриш машқлари топширилади. Шунингдек, ўқувчининг ҳарбий касбга лаёқатини аниқлаш мақсадида психологик

тест ҳам олинади.

* Синовлардан ўтган ўқувчиларнинг ҳужжатлари муҳофаа ишлари бўлимлари томонидан Темурбеклар мактабига юборилади. Сўнги босқичда ўқувчилар Давлат тест маркази томонидан белгилаб берилган тест имтиҳонларидан ўтади.

* Таъкидланишича, 2021-2022 йилги ўқув йили учун республика бўйлаб “Темурбеклар мактаби”га 1250 тадан ортиқ ҳужжат келиб тушган. Шундан 100 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинган.



Таълим ва тарбия

УСТАМАЛАР
БЕРИЛАДИ

Врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, соғлиқни сақлаш барча муассасалари фармацевтика ходимларига куйидаги устамалар тўланиши керак:

* узлуксиз иш стажи 5 йилдан 10 йилгача — тариф ставкасининг 5 фоизи;

* узлуксиз иш стажи 10 йилдан 15 йилгача — тариф ставкасининг 10 фоизи;

* узлуксиз иш стажи 15 йилдан 20 йилгача — тариф ставкасининг 15 фоизи, олий маълумотли ҳамширалар учун тариф ставкасининг 20 фоизи;

* узлуксиз иш стажи 20 йилдан ортиқ — тариф ставкасининг 20 фоизи, олий маъ-



лумотли тиббиёт ҳамширалари учун тариф ставкасининг 30 фоизи.

* Оилавий шифокор пунктларининг умумий амалиёт врачларига — тариф ставкасига нисбатан 25 фоиз миқдорда махсус ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Ижтимоий ҳимоя

МИГРАНТЛАР ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАНАДИ

2022 йил 1 сентябргача “labor-migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган, касб-хунар ёки хорижий тилларга ўқиган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга:

* хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топширилганда — БХМ-

нинг 3 бараваригача миқдорда (810 минг сўм);

* йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 2 бараваригача миқдорда (540 минг сўм);

* ривожланган давлатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга “ишчи виза”ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 5 бараваригача миқдорда (1 млн 350 минг сўмгача) компенсация тўланади.



“Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

ПАРРАНДА ГЎШТИ
УЧУН

Субсидия

* Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январгача ҚҚС тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликлари — ўз хўжаликларида етиштирилиб, сотилган парранда гўштининг ҳар бир килограми учун субсидия миқдори 2500 сўм этиб белгиланди (илгари 1000 сўм эди).

* Субсидия ҚҚСдан вақтинчалик озод қилиш бўйича имтиёз амалда бўлган давр учун ҳам тўланади.



Хуқуқ

ЎЗГАНИНГ МУЛКИГА
КЎЗ ОЛАЙТИРМАНГ!

Ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса 8 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

* Талончилик, яъни ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

* Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Саҳифа материалларини **Ғ.ТОШПЎЛАТОВ** тайёрлади.

ГЎДАКНИНГ ҲАҚҚИ БУЮРМАДИ

Доноларимизнинг бир гапи бор: “гапни уққанга айт”. Агар у тингласа-ку хўп, бордию “хўп”, дея ўз билганидан қолмаса-чи? Унда урди худо. Бари бир хато қилади, пушаймонман дея ҳасрат ҳам қилади. Ўтин ёниб кули қолганидек, у унда хато қилиб улгурган бўлади.

Мавлуда Турдиеванинг эри Шавкат Мелиев керакли жойга ариза бермаганида эди, яна бундай қинғирликлар, билмадик қанча давом этарди?!

“Богбон” маҳалласи раисининг ёрдамчиси Салимбой қанча гўдакларга пул чиқара-

ман деб, қанчасининг пулини шилимади дейсиз? Аммо Шавкатбойнинг аризаси Салимбойнинг қинғир ишларига нуқта қўйди. Биргина нуқта қўйди эмас, уни “мойлигина” ишидан ҳам мосуво қилди.

Аслида воқеа бундай бўлганди: шу маҳаллалик Мавлуда Турдиева икки ёшга тўлмаган гўдаги учун нафақа сўраб, маҳалла раиси ёрдамчиси Салим Мардоновга керакли хужжатларни топшириб, қачон нафақа пули чиқишини кутиб юради. У қатори хужжат топширганлар пул олдик деганини эшитгач, у “Халқ банки”га бориб учрашганда,

Шокир ўзидан икки-уч ёшлар кичикроқ Фаридани кўргач, “юррак ўйноғи” дардига мубтало бўлди. Ўзи бекорчи бўлсада, ўлдим-куйдим, осмондаги ойни олиб бераман, дея муҳаббатини изҳор қилди. Менга тегсанг, бошимда олиб юраман, деган гапни кўп марта айтди.

Бир куни шаҳарлаб қайтаётса, маҳалла йўлида Фаридани кўриб қолди. То қишлоққа кириб боргунча бирга кетишди. Шу қисқа йўлда ҳам бир қоп ваъда берди. Тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган ошна бўлмишидан озроқ пул олиб, байрам куни Фаридага совғасалом қилди. Совғалар орасида тилла сирға ҳам борлигини кўрган Фарида бир оз унга томон юмшагандай бўлди. Шу боисдан у айни қовун пишиғи чоғида, ундан келган совчиларга розилик билдирди.

Шу тариқа яхшигина ёр-

дўстлар даврасида тўй ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг оиласида бири биридан ширин фарзандлар дунёга келди. Икки ўғил, бир қизли бўлганда ҳалиги ваъдалар пучга чиқди. Йўқчилик туфайлими ёки ўзаро эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳри совугани-

ҚОЧОҚ ОТА

данми, ҳуллас, оилага дарз кетди. Уриш-жанжаллари кўпаяверди. Бир-биридан кўнгли қолди. 13 йил бирга яшаган эр-хотин ажрашди. Ўртада фарзандлар сарсон бўлди.

Кўп киши орага тушди, ярашишмади. Охири Фарида Хидирова фарзанд таъминоти учун судга берди. Болалари учун алимент ундирадиган

Суд залидан

тўлов қайдномасида ўзининг ўрнига бошқа имзо қўйиб, пулни олиб кетганлигини билди қолди ва керакли идорага арз қилди.

Салим тавба қилдим, пушаймонман, энди ишондим, болани ҳаққи тешиб чиқишини, дея кўп ёлворди. У олган 484 минг сўм буюрмади. Салим Мардонов ишдан бўшатилиб, суд унга тегишли жазо берди.

Музаффар ҲАКИМОВ,
ЖИБ Шўрчи тумани
суд раиси,
Шаҳобиддин
МУСТАФОВ,
вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори.

бўлди. Сурункасига Шокир 5 йил алиментдан бош тортиб қочиб юрди. Шокирни инсофга чақиришди, тушунмади. Шу боисдан у маъмурий жазога тортилди. Бу орада алиментдан қарздорлик ўсгандан ўсиб, қарийб 11 млн. сўмга етди. Аммо у “пулим йўқ, бўлса ҳам тўламайман”, дея қайсарлигини қўймади.

Алал-оқибат суд алиментдан қочиб юрган қочоқ ота Шокир Сувоновга тегишли қамоқ жазосини берди. Зора, энди тушиниб болалари эсига тушса...

Фаррух ХОЛИҚОВ,
Шўрчи тумани
прокурори,
Бобур ШУКУРОВ,
Шўрчи туман прокурори
катта ёрдамчиси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

2023 йилда амалга оширилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ташкилий ва услубий тамойилларини, аҳолини рўйхатга олиш дастури ва саволномаларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қарорда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш жараёнларида рўйхатга олувчиларни танлаш ва ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки маълумотларнинг тўғрилиги бевосита уларнинг малага ва амалий кўникмаларига боғлиқдир. Давлат статистика қўмитаси томонидан жойларда рўйхатга олувчи ходимларни ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Қарор билан рўйхатга олишнинг энг муҳим қисми, яъни шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби ҳам белгиланди. Унга кўра рўйхатга олиш ишлари икки хил усул-

да, яъни қоғоз шаклида уймау-уй юрган ҳолда рўйхатга олиш ва интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали респондентларнинг (аҳоли) ўзлари томонидан тўлдириш орқали амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотлари ҳудудий статистика бошқармалари ҳузурида ташкил этиладиган марказларда махсус дастурий таъминот асосида 2024 йил 1 январдан 31 декабрга қадар операторлар томонидан электрон базага киритилади.

Республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Сирожбек ОСТОНОВ,
вилоят статистика
бошқармаси рўйхатга
олиш жараёнларини
ташкил этиш ва ўтказиш
бўлими бошлиғи.

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

ва кўнгиллилар хусусида нималарни биласиз?

Биласизми, сизнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлашдаги тажрибангиз минимал даражада. Қайси маънодаки, сиз ННТлар билан деярли тўқнаш келмаган ёки улар билан иш олиб бормаган бўлсангиз. Аксинча, ННТлар билан ҳаётингиз боғлиқ бўлса, шубҳасиз, уларнинг фаолияти ва мақсадидан бохабарсиз.

Аммо шуни билишингиз кераки, мамлакатимиз ёҳуд кичикроқ масштабда оладиган бўлсак, маҳаллий даражадаги масжид-мадрасалар, турли зиёратгоҳлар, Қизил Ярим Ой жамиятлари, ногиронлар жамияти, касаба уюшмалари, улар сизнинг кундалик ҳаётингизга қанчалик жалб қилинганлиги ҳақида ўйлаб кўринг. АҚШда буларнинг барчаси “нотижорат” деб номланади, аммо дунёнинг бошқа қисмида улар нодавлат ташкилотлар сифатида танилган.

Улар аксарият жамоавий алоқаларда жуда муҳим роль ўйнайди. Айрим хизматларда кўнгилли сифатида нодавлат ташкилотларни жалб қилиш зарурияти яхши ҳисобланади. Бир қатор кўнгиллилар ишлари ННТлар билан ишлаш тажрибасида жуда муваффақиятли чиққан. Кўнгиллилар барча жаҳонларда ННТлар билан бирга фаолият олиб

боришган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, бизнес, таълим, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлашадилар.

Масалан, куйидаги модул орқали сиз ННТлар ҳақида кўпроқ маълумотлар била бошлайсиз ва сизда шу аснода бир қатор имкониятлар пайдо бўлади:

- ННТлар билан илгариги тажрибангизни кўриб чиқинг ва мулоҳазалар юритиб кўринг;

- ННТлар ривожланишида муҳим роллари ҳақида ўқинг;

- мамлакатимизда ННТлар қандай хизмат кўрсатиш тизимида ишлашини ўрганиб чиқинг.

Барча ўрганганларингизни бир неча дақиқа ўйлаб кўринг. Кўпчилигингиз уларга хизмат ва ёрдам кўрсатгансиз ёки уларга моддий кўмак бергансиз. Ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ёрдам бергансиз, уларни моддий қўллаб-қувватлаш ёки донор сифатида қон топширгансиз.

Нима учун Тинчлик корпуслари волонтерларини ННТлар билан бирга жойлашади?

Тинчлик корпуси — ўз тарихига эга бўлган ягона ҳукумат ривожланиш агентлиги бўлиб, бу бир инсоннинг салоҳиятини ошириш учун жамоа ҳамкорлиги ёки ҳамкасблар би-

лан бир вақтда иш олиб борадилар.

Тинчлик корпусининг фалсафаси — одамларга балиқ ейишга балиқ беришдан кўра, балиқ овлашни ёки ўз балигини етиштиришни ўргатиш яхшироқ. Бу салоҳиятни ошириш — одамларнинг ўзларига ёрдам бериш имкониятини беради.

Бугунги кунда валонтерлар индивидуал салоҳиятини, шунингдек, ташкилотлар ва жамоавий қобилиятни оширишда давом этмоқдалар. Умумий қилиб айтганда, ННТлар муҳим стратегик режалар шакллантиришдаги асосий иштирокчилар сифатида эътироф этилмоқда.

Халқаро ташкилотлар миллий ва маҳаллий ННТлар билан уларнинг маҳаллий билимларини инobatта олган ҳолда ишлашга катта урғу бермоқда.

Лондонда жойлашган ННТлар гуруҳи тадқиқотига кўра, агар ташкилот 4 та хусусиятга эга бўлса, унда бу ташкилотни ННТ деб тўғри белгилаш мумкин экан. ННТларни ажратиш турадиган хусусиятларга эса қуйидагилар киради:

1. Ихтиёрий. Ташкилот ННТлар элементи бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда тузилади. Қайсики, кенгашга кичик миқдордаги аъзолар ёки кўп миқдордаги ёки вақтинчалик ихтиёрийлардан иборат шахслар томонидан ташкил этилади.

ННТ

2. Мустақил. ННТлар жамият қонунлари доирасидан мустақилдирлар ва уларни фақат ташкил қилганлар ёки ташкилотга тайинланганлар томонидан назорати олиб борилади.

3. Нотижорат (тижорат учун эмас). ННТ шахсий даромад кўриш ёки фойда олишни кўзламайди. Кўп мамлакатларда ННТлар даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиши мумкин, аммо мазкур даромадларни фақат ташкилот миссиясини бажариш учун ишлатишади.

4. Мақсадлар ва тегишли кадрларда ўзига ўзи хизмат қилмаслик. ННТларнинг мақсади одамларнинг аҳоли ва истиқболларини яхшилаш ҳамда аҳоли ёки умуман жамият фаровонлиги, шароитлари ёки истиқболларига зарар етказувчи ташвишлар ва муаммолар бартараф этиш юзасидан ҳаракат қилишдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай давлатларда мазкур давлат фуқароларининг номоддий ҳисобланган манфаатларини кўзда тутадиган, уларни ҳимоя қиладиган, маълум бир ижтимоий соҳа фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, асосий мақсади даромад олишга қаратилмаган ихтиёрий тартибда тузилган ташкилотларни биз бемалол нодавлат нотижорат ташкилотлар сирасига киритишимиз мумкин.

Нафиса ТУРДИКУЛОВА,
ЎзННТМА вилоят ҳудудий
бўлинмаси мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ФАХРИДДИН ОРИФХОНОВ
(6-Сеплон сайлов округи)



1989 йил Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2011 йилда Термиз давлат университети тамомлаган. Мутахассислиги — тарих фани ўқитувчиси.

Олийгоҳни тамомлагач, меҳнат фаолиятини Термиз шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2016-2018 йилларда вилоят перинатал марказида техник хўжалик бўлими бошлиғи, Ўзбекистон “Адолат” СДП Термиз шаҳар кенгаши ижрочи котиби, партиянинг вилоят кенгаши ижрочи котиби вазифаларида фаолият юритган. 2018 йилдан буён Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Фахриддин Сайдуллаевич Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастурида “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак”, ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада оширишни асосий мақсади сифатида белгилаган.

ИСРОИЛ ҚУРБОНОВ
(14-Учқизил сайлов округи)



1964 йил Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек, маълумоти — олий. 1988 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институтини тамомлаган. Мутахассислиги — инже-

нер-энергетик.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Термиз тумани “Дўстлик” жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. 1995-2006 йилларда Термиз туманидаги “Эргаш полвон” чорвачилик комплексида бош энергетик, Термиз шаҳар электр тармоқлари назоратчиси, 2006-2011 йилларда Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши йўриқчиси вазифасида фаолият юритган. 2011 йилдан буён партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Исроил Ҳамидович ўз сайловолди Дастурида мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш энг устувор мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмушини фаровонлаштириш учун ҳар бир жабҳада тизимли ишлар олиб борилиши керак, деб ҳисоблайди.

САРДОРБЕК ХАМРАЕВ
(18-Саноат сайлов округи)



1990 йил Термиз шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек, маълумоти — олий. 2012 йилда Термиз давлат университети тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқ ва маънавият асослари.

Меҳнат фаолиятини 2012 йилда Термиз банк коллежида ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2015 йилдан буён Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўйича етакчи мутахассиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Сардорбек Шарафутдинович Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг фаол тарғиботчиси сифатида ўз сайловолди дастурида партия электорати манфаати йўлида кўплаб мақсад ва вазифаларни илгари сурмоқда. Жумладан, у таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг жамиятда мавқеини оширишни, ҳудудларда тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишни, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш ишларига ҳисса қўшишни ўзининг устувор мақсади сифатида белгилаган.

ДИЛАФРЎЗ РАҲМАТОВА
(42-Катта Вахшвор сайлов округи)



1978 йил Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2001 йилда Термиз давлат университети тамомлаган. Мутахассислиги — бошланғич таълим ва тарбиявий иш, психология.

2001-2012 йилларда Термиз туманидаги “Янгиариқ” қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида ўқитувчи сифатида ишлаган. Шу билан билан бирга 2007-2014 йилларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари лавозимида самарали меҳнат қилган. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни, малакали кадрлар тайёрлашни ўзининг устувор вазифаларидан деб биладиган Д.Абдурахмоновна 2017 йилдан буён партия вилоят кенгаши бош мутахассиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Дилафрўз Раҳматова ўз сайловолди дастурида коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, янги иш ўринларини яратиш, ҳар бир соҳа вакилларининг жамиятда мавқеини ошириш ва меҳнатларига яраша етарли даражада маош олишини таъминлаш каби устувор вазифаларни илгари сурмоқда. Шу билан бирга қишлоқ ҳудудларида турли корхона ва шахобчалар барпо этишни мақсад қилган тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқмоқда.

РУСТАМ ХАМРОЕВ
(50-Сина сайлов округи)



1974 йил Денов туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1997 йилда Термиз давлат университети тамомлаган. Мутахассислиги — кимё фани ўқитувчиси.

Иш фаолиятини 1992 йилда Денов туманидаги 38-умумтаълим мактаби лаборанти вазифасидан бошлаган. 1997-1999

йилларда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер захираларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси, 1999-2016 йилларда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, қўмита раиси ўринбосари, “Бошдавэкосертификат” ДУК вилоят филиали бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган. 2016 йилдан буён Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилояти кенгаши раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Рустам Раҳматович ўз сайловолди дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришишни устувор мақсади сифатида белгилаган. Шунингдек, у жойларда “маҳаллабай” тизимида олиб борилаётган ишларни доимий мониторинг қилиш ташаббуси билан чиқмоқда.



**2022 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ
КУНИ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИНING БЎШАБ
ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА
КЎРСАТИЛГАН УШБУ
НОМЗОДЛАРИМИЗГА
ОВОЗ БЕРИНГ!**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

АЛИШЕР ПАРДАЕВ
(6-Сеплон сайлов округи)



1970 йил Бойсун туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1997 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — бошланғич таълим ўқитувчиси.

Дастлаб 1986-1989 йилларда Бойсун туман тезтиббий ёрдам станцияси диспетчери, тумандаги 110-автомобил транспорт парки ходими сифатида ишлаган. 1992-2005 йилларда тумандаги 39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 2-болалар мажмуасида илмий бўлим мудири, туман халқ таълими бўлими бош назоратчиси, Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими бошлиғи, 2005-2010 йилларда Бойсун туман ХТБ мудири, 2010-2017 йилларда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2017-2021 йилларда Термиз шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби директори, ТерДУ хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази директори, Жарқўрғон тумани ХТБ мудири сифатида ишлаган. 2021 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Алишер Очилович ўзининг сайловолди дастурида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жойларда коммунал тизимидаги муаммоларини тўлиқ бартараф этиш ташаббуси билан чиқмоқда.

БОХОДИР ҒАФФАРОВ
(14-Учқизил сайлов округи)



1973 йил Бойсун туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1995 йилда Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор-кардиолог.

Олийгоҳни тамомлагач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги кардиология илмий текшириш институтида ўз мутахассислиги бўйича клиник ординатори сифатида иш бошлаган. 1997-2010 йилларда республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ўткир миокарт инфаркти гуруҳида кичик илмий ходим, марказ лабораториясининг кичик илмий ходими, марказнинг 205-грант бўйича лабораторияси кичик илмий ходими, 2010-2012 йилларда Сурхондарё вилоят кардиология маркази директори ўринбосари вазифаларида фаолият юритган. 2012 йилдан республика ихтисослаштирилган кардиология маркази вилоят филиали директори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Боходир Ғаффаров ўзининг сайловолди дастурида коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, кам даромадли аҳоли қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ёшларини давлат грантлари асосида олий педагогик, тиббиёт ва бошқа мутахассисларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига кириши учун қўшимча имтиёзлар бериш каби вазифаларни илгари сурмоқда.

НАЗОКАТ ПУНДИҚУЛОВА
(18-Саноат сайлов округи)



1971 йил Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — ўрта-махсус. 1994 йилда Термиз қишлоқ хўжалиги техникумини тамомлаган. Мутахассислиги — қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби.

Иш фаолиятини 1989 йилда Сурхондарё вилоят пилла етиштириш бирлашмасида котиба сифатида бошлаган. 1990-2005 йилларда ушбу бирлашма кадрлар бўлими мутахассиси, инспектори, 2005-2013 йилларда вилоят пилла акциядорлик бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи, 2013-2014 йилларда Термиз шаҳридаги “Илма Сурхон қурилиш инвест” хусусий корхонаси бош ҳисобчиси вазифаларида ишлаган. 2014 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташкилий-назорат ва кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Назokat Саппаровна ўзининг сайловолди дастурида “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида мактабгача таълим ташкилотларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактабгача таълимга жалб этиш даражасини ошириш, тоғли ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш ташаббуси билан чиқмоқда.

АДОЛАТ ХОЛТЎРАЕВА
(42-Катта Вахшивор сайлов округи)



1966 йил Бойсун туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1989 йилда Саратов давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Олийгоҳни тамомлагач, 1989-1997 йилларда Бойсун туманидаги 6-ва 47-умумтаълим мактабларида ўз мутахассислиги бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1997-2002 йилларда эса Қумқўрғон туманидаги 33-, 3-, 2002-2004 йилларда Денов туманидаги 79-умумтаълим мактабларида фаолият юритган. 2004-2015 йилларда Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 2015-2017 йилларда шаҳардаги 3-умумтаълим мактаби директори, 2017-2021 йилларда Термиз шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири лавозимларида меҳнат қилган. 2021 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари, мафкура ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Адолат Исмаиловна ўзининг сайловолди дастурида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш, давлат томонидан тартибга солишини қонуний жиҳатидан мустаҳкамлаш, таълим сифатини оширишни устувор мақсадларидан бири деб белгиллаган.

ФЕРУЗА БОЛТАЕВА
(50-Сина сайлов округи)



1976 йил Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1998 йилда Термиз давлат университети тамомлаган. Мутахассислиги — биолог.

1996-2007 йилларда Жарқўрғон туманидаги 38-умумтаълим мактабида кимё фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритган. 2007-2009 йилларда тумандаги “Илғор МХН” фермер хўжалиги ишчиси, 2009-2015 йилларда Термиз иқтисодиёт коллежида ходимлар билан ишлаш бўлими инспектори, 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши мафкуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалари бўйича бўлим бошлиғи вазифасида меҳнат қилган. 2019 йилдан буён Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Феруза Хуррамовна халқ манфаати йўлида бир қатор ишларни амалга ошириш тизimini илгари сурган ҳолда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажиди 3 ёшга тўлгунча бола парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш, кам даромадли аҳоли вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашни ўз сайловолди дастурига киритган.



**2022 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ
КУНИ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИНING БЎШАБ
ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА
КЎРСАТИЛГАН УШБУ
НОМЗОДЛАРИМИЗГА
ОВОЗ БЕРИНГ!**

СКАНВОРД

Тузувчи: Г.СУВАНОВА

↙	Инсон аъзоси	Нор-вон	↘					↗	↘	↘	↘	↘
↗								Газета журнал дўкони		Аро		... Панса (Дон Кихот дўсти)
	Даст-хат, қўл	Давлат кири-ми						Бокс майдо-ни	→			
↗		↓						"... ва тинчлик" (Л.Толстой)		Уя, ин, ...		Уста анжо-ми
	... Раҳи-мов (актёр)		Тинч, сокин	↘			↘	Нерв	↘	Қиш зийна-ти	→	↓
↗				Озиқ-овқат сақлан-ди	... Гон-салес (фут-болчи)	Аёллар тақин-чоғи	→			"... ва турмуш" (журнал)		
Одим	... Ма-радона (футбол)		Имомов, мураб-бий	↘				Жа-хон, дунё,		Болта-вой, Тешавой дастури	↘	
↘			↓	Қўзичоқ гўшти		Худуд	↗	↓		"...-7" (Россия газтаси)		
	... Мах-камов (хонан-да)	↗				↓	"Танаси ... дард билмас"		Секин-...		↓	
	Қўшиқ-нинг янги талқини	Полиз экини	Ёрга эри-шув	↘					Айиқ овқати	Нарса-нинг ташқи томони		Тоғда-ги жарлик
↘		↘	↘		Уяли ... восита-си		... Шай-хзода (шоир, ёзувчи)	→	↓		↓	↓
Ов	Турар жой, маскан		Икки ... икки тўрт	↘		↓		Зунну-нова (шоира)	→			
↘					... Кўса		Ком-пакт ...	Фазаб	→			Металл арқон
	Ёқилғи қуйиш ...си Кулғи		Сурат, фото	→			↓	Қизил сайёра	Хид билиш органи	↗		↓
↘								↓	... чайнар (эзма одам)	Сатира ва ...	Қалъа	Харбий бўлин-ма
				Туткун аёл		☀		☀	↘	↓		↓
				↘					Адоқ	↘		
				Тошкент спорт сайройи	Шовқ-ин-...	→				↓		Биби Марям-нинг ўғли
				↘								↓
Ўғил бола исми					Рухий касал шифо-хонаси	☀	Зира-вор тури	→				Фойда
↘								Хайит-дан олдинги кун	→			

ЛАТИФАЛАР

—Ўғлим, тез кунда сенга ука олиб келамиз, — дея тушунтирди ўғлига аёлини туғруқхонага олиб кетаётган ота.

Орадан кунлар ўтиб, у рафикаси ва эгизак фарзандларини туғруқхонадан олиб чиқди. Беш яшар ўғил чақалоқларга хайрон бўлиб қараркан, дадасидан сўради:

—Дада, энди булардан биттасини танлаб олишимиз керакми?..

xxx

Ярим кечада шошиб кетаётган кишини милиционер тўхтатди:

—Узр, бемаҳалда қаерга кетяп-



тирув бўлиши мумкин?

—Хозир уйга борганимдан сўнг рафикам қаерда бўлганим, нима учун кечикканим, кимлар билан ўтирганим ва яна шу каби ўнлаб саволлар билан мени сўроққа тутиши тайин...

xxx

—Мен сизга текканимда сира ақлим йўқ экан, — нолиди аёл эри

сиз?

—Суриш-тирувга, — жавоб берди истамайгина йўловчи.

—Тушунмадим, ярим тунда қанақанги суриш-

билан тортишиб қолиб.

—Совчи келса, қулоқларим кар, кўзларим кўр бўлиб тегиб кетаверибман.

—Нима, ёмон бўлибдими? — Мана, ақлинг кириб, қулоқларинг очилиб, кўзларинг кўра бошлабди. Демак, менга турмушга чиқиб, анча касалликдан қутулибсан.

xxx

—Судланувчи, беш йил мобайнида хотинингиз билан гаплашмаганингизни нима билан изоҳлайсиз?

—Яхши тарбия кўрганим билан.

—Яъни?

—Аёл кишининг гапини бўлгим келмади.

Тўпловчи: ДИЛШОДБЕК.

МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҲАМАЛ

(21 март - 20 апрель)

Ушбу ҳафтада омадингиз кулиб боқади. Фаол, янги мақсадлар ва манфатлар томон ундайдиган одамлар билан ҳамкорлик ўрнатасиз. Дам олиш кунларида янги ғоялар туғилади. Уларни амалга оширишинг айлани пайти.



САВР

(21 апрель - 21 май)

Дадиллик билан олдингизга янги вазифаларни қўйинг. Яқинларингиз сизни қўллаб-қувватлашади. Аммо шахсий улушингиз салмоқлироқ бўлиши лозим. Амалга олмаган ишларни унутиб турганингиз маъқул.



ЖАВЗО

(22 май - 21 июнь)

Жиддий хатоларга йўл қўймаслик учун ҳаётингиздаги энг муҳим йўналишларни танланг. Иш қобилятингиз жуда юқори бўлади. Бирон юмушни бажаришда таваккал қила кўрманг.



САРАТОН

(22 июнь - 22 июль)

Айни пайтда иш жойингиз, уйингиз ёки мулоқот доиранингизни ўзгартириш учун асосли сабаблар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳафта-ни ўз ҳаётингизни тартибга келтиришга бағишланг.



АСАД

(23 июль - 22 август)

Ишларингиз аста-секин ўз измига тушиб кетади. Сизни қийнаётган барча муаммолар ўз ечимини топади. Шанба кунни шаҳар ташқарисидан дам олиш-ни маслаҳат берган бўлардик.



СУНБУЛА

(23 август - 22 сентябрь)

Ҳафта давомида жамоа ёки жойда етакчилик қилиш имкониятига эга бўласиз. Етакчилигингиз эсда қоларли ёки ёрқин бўлмас, бироқ атрофдагиларнинг ҳолатини ҳеч ким сиздек тушуна олмайди.



МЕЗОН

(23 сентябрь - 22 октябрь)

Айни пайтда ташаббус кўрсатиб, бирон-бир янги ишни бошлашни истасангизда, бунга шошилманг. Ишингиз кўп бўлади, аммо бу ташқи вазиятларга ҳам боғлиқ.



АКРАБ

(23 октябрь - 21 ноябрь)

Ҳафта ўрталарида иш борасида ажойиб имконият туғилади. Талабчанлик ва сабрсизлик бу ишда яхши маслаҳатчи бўлмайди. Бу борада ўзингизга ишонинг ва муҳтожларга ёрдам беринг.



ҚАВС

(22 ноябрь - 21 декабрь)

Ушбу ҳафтадаги қарорларингиз ва хатти-ҳаракатларингизнинг асоратларини баҳолаш қийин. Ўзингизнинг ва бегоналарнинг хатоларини тузатишга тўғри келади. Соғлигингизга ҳам эътиборлироқ бўлинг.



ЖАДИЙ

(22 декабрь - 20 январь)

Энг муҳими шошилмаслиқдир. Ишларда чалкашликлар юз бериши, шахсий муносабатларда ҳам кўп нарса ноаниқ қолмоқда. Ҳафта сўнгига сезиларли яхшиланиш кутилади.



ДАЛВ

(21 январь - 19 февраль)

Ушбу ҳафтадан таътил олганингиз маъқул. Кўпроқ вақтингизни шахсий ишлар, қизиқишларга бағишланг. Яқин одамларингизга уларни унутмаганингизни кўрсатиш учун имкон топасиз.



ХУТ

(20 февраль - 20 март)

Айни вақтда жуда зарур бўлган ишлар билан шуғулланг. Ҳамма ишга режа ва хотиржамлик билан ёндашинг. Янгиликлар, таклифлар ва тавсияларни кутинг.



ТРОПИК ЦИКЛОН ОҚИБАТИ

Мадагаскарда Ана тропик циклонини ёпирилди, табиий офат оқибатида кучли ёмғирлар ёғди ва сув тошқинлари туфайли 34 нафар одам ҳалок бўлди, 64 мингга яқин одамга талафот етди.

Маълумотларга кўра, Аналаманга ҳудудида 58 мингдан зиёд аҳоли табиий офатдан зарар кўрган.

Пойтахт Антананаривуда уйлар вайронага айланган. 17-19 январь оралиғида камида 10 киши, 22-23 январда эса яна 24 киши ҳалок бўлган.

6800 дан зиёд уйларга сув тошган, кўплаб бинолар сув остида қолиши ёки қулаб тушиш хавфи остида. Қарийб 39 минг одам хавфсиз жойга эвакуация қилинган.

Аналаманга ва бошқа ҳудудларда мактаблардаги дарслар 28 январгача вақтинча тўхтатилган.

Шунингдек, мазкур кучли циклон Мозамбик ва Малави мамлакатларида ҳам одамлар ўлимига ва 100 минглаб кишиларнинг бошпанасиз қолишига олиб келган.

ДИРЕКТОР ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг қизи Алия билан боғлиқ бўлган “Оператор РОП” компаниясининг бошқарувчи директори Руслан Шамшиев ўз жонига қасд қилди.

Полиция ўз жонига қасд қилишга ундаш моддаси бўйича жиноий иш қўзғатган.

Маълум қилинишича, 26 январь куни Қозоғистоннинг экология, геология ва табиий ресурслар вазири ўринбосари Ахметжан Примкулов ва “Оператор РОП” компанияси раҳбари Медет Кумарғалиев коррупцияда гумонланиб, қўлга олинган. Иккиси ҳам Нур-Султондаги вақтинчалик ҳибсхонада.

Маълумот ўрнида, “Оператор РОП” чиқиндиларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш ва йўқ қилишни, шунингдек, тўловларни қайта ишлашни ташкил қилади.

ХИТОЙ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА 500 МЛН. \$ БЕРАДИ

Яқин уч йилда Хитой Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистонга 500 млн. доллар миқдорида бегараз ёрдам беради.

“Марказий Осиё — Хитой” онлайн саммити чоғида Хитой раҳбари бу маблағ “ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун” мўлжалланганини айтган.

“Бундан ташқари, Хитой Марказий Осиё мамлакатларига 50 млн. доза коронавирусга қарши вакцинани хайрия қилади ва талабалар таълими учун кейинги беш йил ичида 1200 квота ажратади”, деган Си Цзиньпин саммит чоғида.

Ташкилланганича, минтақа давлатлари янги Конфуций институтларини очиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича устувор шерикларга айланади. Ёшлар санъат фестивали, “Келажак сари кўприк”

ёш етакчилар оромгоҳи каби тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 2030 йилга бориб 70 млрд. долларга етказиш мўлжалланмоқда.

РОССИЯЛИК ДЕСАНТЧИЛАР УКРАИНА ЧЕГАРАСИ АТРОФИДА

СИТ суриштирув гуруҳи россиялик десантчилар Украина чегараси яқинига ташланаётгани ҳақида хабар қилди.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда темир йўл бўйлаб ташилаётган ҳарбий техникалар

**ДУНЁДА НИМА ГАП?**

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ТАҒСИЛОТЛАР ВА ШАРҲЛАР



видеои пайдо бўлган. Мазкур ролик Беларусь ва Украина чегарасида жойлашган



Брянск области ҳудудида тасвирга олингани айтилган.

Видеода техникалар ортилган ва брезент билан ёпиб қўйилган темир йўл таркибини кўриш мумкин. Тадқиқотчи Роберт Лининг хабар қилишича, таркиб 31 та “БМД-4М” жанговар десант машиналари ва 8 та “БТР-МДМ” зирхли транспортёрини олиб келган.

“Бундан ташқари, поезд таркибидан бешта йўловчи вағони ҳам ўрин олган бўлиб, у 250 дан ортиқ кишини ташиш имконини беради. Шунингдек, биз платформаларда ҳаво-десант кучлари учун мўлжалланган саккизта қисқартирилган икки ўқли “КамАЗ-43501” юк машиналарини санадик”, дея хабар беради СИТ.

ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛОВЧИ СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ

“Чанчжен-4С” ташувчи ракетаси L-SAR01 масофадан зондлаш сунъий йўлдошини қуёш-синхрон орбитасига олиб чиқди.

2022 йил 26 январь куни Пекин вақти билан соат

07:44 да мазкур ракета Сзюсюань космодромидан старт олиб, Ерни масофадан зондлаш сунъий йўлдошини орбитага олиб чиқди, парвоз тўлиқ муваффақиятли ўтган.

Оғирлиги 3,2 тоннага яқин сунъий йўлдош апретудани радиолокацион синтезлаш технологияси билан жиҳозланган. Ушбу технология қурилма баландлиги, об-ҳаво шароити ва суратга олинаётган объектнинг ёритилишидан қатъи назар, юқори аниқликда Ерни масофадан туриб зондлашни амалга ошириш имконини беради. L-SAR01 600 километр баландлиқдаги қуёш-синхрон орбитасида туриб, Ерни L-диапазонда масофадан зондлаш имкониятига эга. Унинг асосий вазифаси — геоолик муҳитни мониторинг қилиш, кўчки ва сейсмик фалокатлардан огоҳлантириш.

Уч поғонали “Чанчжен-4С” ташувчи ракетаси Шанхай космик технологиялар агентлиги томонидан сунъий йўлдошларни орбиталарга олиб чиқиш учун яратилган. Иктирочиларнинг сўзларига кўра, у 2,8 тоннагача фойдали юкни қуёш-синхрон орбитасига, 4,2 тоннани эса пастки орбитага ва 1,2 тоннани геотрансфер орбитасига олиб чиқишга қодир.

“ТОУОТА” БАРЧА ЗАВОДЛАРИНИ ЁПАДИ

Япониянинг энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчиси “Toyota” дунё бўйлаб барча заводларини ёпмоқчилигини эълон қилди.

Ишлаб чиқаришнинг тўхтатилишига яримўтказгичлар етишмаслиги, электрон компонентлар захираси тугаганилиги сабаб бўлмоқда.

Заводларнинг ёпилиши ортидан “Toyota” молиявий йил охиригача (2022 йил 31 март) 9 млн. донга автомобиль ишлаб чиқариш режасини амалга ошира олмайди.

Қайд этиш керакки, яримўтказгичлар инқирози бутун жаҳон автомобилсозлик саноатини тебратиб юборди. Микроциплар тақчиллиги сабаб Toyota компанияси февраль ойида атиги 700 мингга автомобиль чиқаради (режалаштирилганидан 16 мингга кам).

КОРОНАВИРУСНИНГ НЕОСОВ ШТАММИ ПАЙДО БЎЛДИМИ?

Хитойлик олимлар коронавируснинг янги тури - NeoCoV аҳолига кириб бориши хавфи борлигини маълум қилди. Унинг пайдо бўлиши аввалроқ Жанубий Африка Республикасида қайд этилган.

“Ушбу вируслар тарқалиши ва уларнинг одамларга таъсир қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, диққат билан кузатиш керак”, — дейилади баёнотда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, вирус инсон танаси билан ўзаро таъсир қилиш учун маълум бир мутацияга муҳтож, шунинг учун ҳозирда вируснинг ушбу кўриниши фақатгина кўршапалакларгагина тахдид солмоқда.

Шунингдек, тадқиқот ҳозирда фақатгина тахминий ҳолатда эканлиги кўрсатилган: келажакда буни экспертлар кузатишлари керак.

Гулбаҳор СУВАНОВА.

Манба: www.kun.uz, qalampir.uz.

Абдурахмонова Қундуз Оқмуратовнага Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби томонидан 1989 йилда берилган № 349498 сонли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Нормаматов Мухриддин Фахриддин ўғлига Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда берилган К № 2997367 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чориева Зарифа Рустамовнага Олтинсой ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда берилган К № 3006574 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Абдимўминов Асад Аҳматовичга Термиз тиббиёт билим юрти томонидан 2001 йилда берилган № 429709 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Норбоев Ойбек Муса ўғлига 2015 йилда Термиз саноат ва транспорт касб-хунар коллежи томонидан берилган К № 3887570 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛДИ

Эълон

Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан 2021 йил 12 июндаги № 2/22 “с” сонли қарори билан:

1.Ангор тумани кенгаши (2014 йил 4 декабрда № 18-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 303109462);
2.Бойсун тумани кенгаши (2015 йил 24 июнда № 126-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202315810);
3.Денов тумани кенгаши (2015 йил 24 июнда № 126-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202206029);
4.Жарқўрғон тумани кенгаши (2015 йил 24 июнда № 125-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 200487694);
5.Музработ тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 136-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 303399340);

6.Олтинсой тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 126-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202531203);

7.Сариосиё тумани кенгаши (2015 йил 24 июнда № 124-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 201468344);

8.Термиз шаҳар ва Термиз тумани кенгашлари (2015 йил 24 июнда № 124-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202229394);

9.Узун тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 137-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 203504109);

10.Кумқўрғон тумани кенгаши (2015 йил 12 ноябрда № 156-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 201925471);

11.Қизирик тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 133-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202292232);

12.Шеробод тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 134-б сон

билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202777799);

13. Шўрчи тумани кенгаши (2015 йил 21 июлда № 132-б сон билан рўйхатдан ўтган, СТИР: 202421940) ларнинг фаолияти **ТУГАТИЛДИ.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Кумқўрғон, Қизирик, Шеробод, Шўрчи, Термиз тумани ва Термиз шаҳар кенгашларига нисбатан даъво ва эътирозлари мавжуд жисмоний ва юридик шахслар икки ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 17-уй, 19-хона.

Почта индекси: 190100.

Телефон: (76) 223-12-10.

ОЛМА

Олма темир моддаси ва С витаминига бой. Ўртача катталиқдаги олмада 150 грамм темир, 7 микрограмм аскорбин моддаси бор. Шу боисдан ошқозон яраси хасталиги бўлган кишилар ҳам олма истеъмол қилиши мумкин. Айниқса, аспирин яраси бўлган беморларга олма жуда фойдали. Шу боис ҳам юрак хасталигидан даволанаётган ва доимий равишда аспиринли препаратни қабул қилаётган беморларга доридан сўнг олма ейиш тавсия этилади. Бўғим оғриғидан даволанаётган кишилар ҳам шундай йўл тутиши мумкин.

Олманинг ошқозонга ижобий таъсири нитратлар билан боғлиқ. Нитратлардан темир моддаси воситасида сулакда азот оксиди ҳосил бўлади. Азот оксиди ошқозонга тушган, уни нафақат ярадан, балки саратон хасталигидан ҳам ҳимоя қилади.

Овқат ҳазм қилиш тизимида олманинг ўрни бекиёс. Ўтказилган тадқиқотлар чоғида олмадаги моддалар жигар ва йўғон ичак саратони хужайраларининг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши аниқланди. Бу жиҳатдан олманинг ўрни-

ни бошқа мевалар боса олмас экан. Фақат клюква экстрактига олма экстрактидан кучлироқ экани маълум бўлди.

Шу ўринда, олма пўсти унинг юмшоқ қисмига қараганда фойдалироқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Тадқиқотлар олма пўстидан тайёрланган экстракт саратон хужайраларига қарши яхшироқ самара беришини кўрсатди. Чунки унда антиоксидантлар миқдори кўп. Масалан, жуда кучли антиоксидантлар ҳисобланган флавоноидлар олма пўстида унинг юмшоқ қисмидаги қараганда 2-3 маротаба, феноль кислотаси эса 2-6 маротаба кўп. Олма пўстининг антиоксидант фаоллиги ҳам унинг юмшоқ қисмига қараганда шунча маротаба юқори. Демак, олмани кесаётган пайтда унинг пўстини арчиш керак эмас.

Бундан ташқари, олма пўстидаги тритерпеноидлар гуруҳига кирувчи 12 хил модда жигар, кўкрак беши ва йўғон ичакда саратон хасталиги хужайраларининг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади.

Тадқиқотларга кўра, бир кунда бир дона олма истеъмол қилиш аёлларда ўпка сарато-

Юртимиз неъматлари



нинг ривожланишини сезиларли даражада секинлаштира экан. Умуман, олма ўпка ва нафас олиш тизими учун ҳам жуда фойдали. Шунингдек, бронхиал астма касаллигининг ривожланишига жуда катта тўсқинлик қилар экан. Ҳар кун бир дона олма истеъмол қилган кишининг ўпкаси бошқаларникига нисбатан каттароқ бўлади.

Шу чоққа қадар ўтказилган кўплаб тадқиқотлар олма қон томирлари ва юрак учун ҳам қони фойда эканлигини исботлаган. Олма инсонни инфаркт, инсульт ва атеросклероз билан боғлиқ бошқа кўплаб касалликлардан ҳимоя қилишда ҳам беназирдир. Чунинчи, олма антиоксидантларга бой. Антиоксидантлар эса турли касаллик вирусларига қарши самарали курашиш билан бир қаторда организмдаги кексайиш жараёни ҳам секинлаштиради.

Адолат ҚОСИМОВА,
Термиз шаҳри.

Савол—жавоб

ҲУҚУҚИЙ ДАРСХОНА

—Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи қанча?

—Мамлакатимиз фуқаролари ҳозирги кунда 12 фоиз миқдорида даромад солиғи тўлайди.

—Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасини яратган фуқаролар патент олиш учун қайси давлат ташкилотига мурожаат қилишлари керак?



—Интеллектуал мулк агентлигига мурожаат қилишини керак бўлади.

—Ўзбекистон Республикаси ҳудудида неча фуқаролик ўрнатилган?

—Мамлакатимиз Конституциясига асосан Ўзбекистонда

битта фуқаролик ўрнатилган.

—Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайси давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилади ва ҳисоби юритилади?

—Бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан олиб борилади.



—Қонунчиликда иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига неча соат этиб белгиланган?

—Ҳафтасига 40 соатни ташкил этади. Бундан ортиғи қонунчиликга зиддир.

Саволларга ҳуқуқшунос
Тошпўлат МАМАТҲАКИМОВ жавоб берди.

ДОНОЛАР
БИСОТИДАН

Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳолига қарадим. Унда ҳайронлик қафтини иягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқани кўрмадим.

Абу Али ибн СИНО.
Қуруқ ёғоч эгилмайди, қуруқ новда гулламайди.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ.
Ўзингга доимо рост сўзларни ихтиёр қил, агар-да сени ростлик ўлдирса ҳам.

Содиқ дўстлар танла, улар паноҳида яшайсан, чунки улар кенгликда зийнат, қийинчиликда қалқондир.

Умар ибн ХАТТОБ.
Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва мардлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.

Наҳмиддин КУБРО.
Агар сирларингни

Хазина

душман билмаслигини хоҳласанг, уни дўстингга ҳам айтмагин.

Жалолиддин ДАВВОНИЙ.

Ўзингга ҳасад ҳиссини кўзғатмагин. Зеро, кейин ундан халос бўлишнинг амри маҳолдир. Уни даволаб бўлмайди.

Мажидиддин ХАВОФИЙ.

Қаноат ва сабр кишини қудратли қилур.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Дунё ила охират икки оиласи бор кишига ўшар. Инсон бирини рози қиларкан, иккинчисини ранжитади.

Абу Бакр СИДДИҚ.

Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бера қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топишга ўргатади.

Адольф ДИСТЕРВЕН.

Табиатни қўриқлаш — Ватанни қўриқлаш демакдир.

Михаил ПРИШВИН.

КЎНГИЛ

Одам ҳамма нарсга тўйиши мумкин. Бойликка... Амалга... Шон-шухратга... Худонинг ўзи кечирсинку, ҳатто... ҳаётга ҳам. Қариб чурганида “Омонатингни ола қол, Яратган Эгам”, дейдиганлар чин дилдан гапиради...

Одам ҳамма нарсга тўйиши мумкин. Фақат бир нарсга — Меҳрга тўймайди. Бу масалада шоху гадо баробар.

Ҳолбуки, дунёда бундан арзон нарса йўқ. Бир оғиз ширин Сўз, бир чимдим Меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса шуни ҳам бир-биримиздан аяймиз...

ОЛИМ ВА ШОИР

Унча-бунча нарсга ҳайрон қолмайдиган одамдан Олим чиқади.

Ҳамма нарсга ҳайратланидиган одамдан Шоир чиқади!

САБОТ

Тангри инсонга сабот берган. Нонини тортиб олсалар, чидайди. Молини ўғирласалар, чидайди. Урсалар, сўксалар, чидайди. Аммо оқни қора, қорани оқ десалар, фариштани “шайтон”, шайтонни “фаришта” деб “исботлаб берсалар”, бунисига чидаши қийин...

Бундай пайтда сўнгги илинж — Оллоҳдан мадад сўраб, илтижо қилишдир. Тангрининг тарозиси беҳато ишлайди...

ҚОИДА

Балиқ бошидан сасийди. Аммо уни думидан тозалайдилар...

АСЛ АЙНИМАС

Ит тумшугини суққани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди. Номард тош отгани билан тоғ кулаб тушмайди...

МАНГУ
ҲАҚИҚАТ

Она — битта! Ватан — ягона!

АҚЛ ВА ЮРАК

Юрак — ақлга, ақл — юракка қулоқ солса, ҳаммаси жой-жойига тушар эди!

Ёзувчи ва замон



ПАХТАКОР

Кўнгли — пахтасидек оппоқ. Феъли — пахтасидек юмшоқ. Меҳри — пахтасидек қайноқ... Фақат битта айби бор: “пахта қўйиш”ни билмайди!

ОИЛА

Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ!

АҚЛ ВА МАНСАБ

Ақл билан мансабга эришиш мумкин. Мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

Ўткир ҲОШИМОВнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асаридан.

Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

ХАЛҚ ЙЎЛИ

ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий газета

Бош муҳаррир:
ЖУМАКУЛОВ Чори Пардаевич

МУАССИС:

“Халқ йўли газетаси таҳририяти” МЧЖ

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

- Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси;
- Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси;
- “Сурхон саноат қурилиш” компанияси бошқаруви.

“Халқ йўли” газетаси 1995 йил 19 майдан чиқа бошлаган. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 23 августда 11-024 сон билан давлат рўйхатига олинган.

Нашр индекси — 470. Буюртма ____.

Таҳририятга келган хатлар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Эълонлардаги далил ва рақамлар тўғрилигига буюртмачи ҳамда таҳририят масъул. А-2000.

Баҳоси келишилган нархда.

“Халқ йўли”дан кўчириб босилганда нашр номи кўрсатилиши шарт.

“Халқ йўли” ўз таҳририят компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди. “Photo Express” ишлаб чиқариш корхонасида офсет усулида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табок. © — тижорат материали.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

ISSN 2010-9180.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Комил АБДИВОҲИДОВ, Намоз ТЎРАЕВ, Рустам ҲАМРОЕВ, Баҳодир ҚОДИРОВ, Файрат ХУДОЙБЕРДИЕВ, Абдулҳаким ЭШБОЕВ, Олимжон УСАНОВ, Пўлат СОЛИЕВ.

Таҳририят манзили: 190100, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (90) 379-19-70, (97) 552-86-93.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳ.ХУДОЙБЕРДИЕВ**
Навбатчи: **Ҳ.ЖУМАКУЛОВ**

Босишга топшириш — 14⁰⁰. Топширилди — 14⁰⁰.